



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2017 йил 11 сентябрь, № 181 (6875) Душанба

Сайтимиға Утиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ХАЛҚАРО САММИТ ДОИРАСИДАГИ САМАРАЛИ УЧРАШУВЛАР

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан 9-10 сентябрь кунлари Остона шаҳрида бўлди.



ИСЛАМ ЎНТИМАҚТАСТЫҒЫ ҰЙЫМЫНЫҢ БІРІНШІ
ҒЫЛЫМ ЖӘНЕ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЖӨНІНДЕГІ САММИТИ
АСТАНА, 2017 ЖЫЛҒЫ 10-11 ҚЫРКҮЙЕК

THE FIRST SUMMIT ON SCIENCE AND TECHNOLOGY
OF THE ORGANIZATION OF ISLAMIC COOPERATION
ASTANA, 10-11 SEPTEMBER 2017



LE PREMIER SOMMET POUR LA SCIENCE ET LA TECHNOLOGIE
DE L'ORGANISATION DE COOPERATION ISLAMIQUE
ASTANA, 10-11 SEPTEMBRE 2017

القمة الأولى لمنظمة التعاون الإسلامي
حول العلوم والتكنولوجيا
أستانا، 10-11 سبتمبر 2017

10 сентябрь куни Остона шаҳрида Муस्ताқиллик саройида Ислам ҳамкорлик ташкилотининг Фан ва технологиялар бўйича биринчи саммити очилди. Мазкур саройда Ўзбекистон Республикаси

Президенти Шавкат Мирзиёевни Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев кутиб олди. Саммитни Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев очди.

Ислам ҳамкорлик ташкилотининг ушбу нуфузли саммити "Фан, технологиялар, инновациялар ва ислом оламини модернизация қилиш" мавзусида ўтди. Маълумки, 2016 йил 18 октябрь куни

Тошкентда Ислам ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессияси бўлиб ўтган, "Таълим ва маърифат — тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл" шiori унинг асосий ғояси этиб белгиланган эди. Шу маънода,

Остона саммитини Тошкентда ўтган сессиянинг мантиқий давоми, дейиш мумкин. Саммитда Президентимиз Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI SHAVKAT MIRZIYEVNING ISLOM HAMKORLIK TASHKILOTINING FAN VA TEXNOLOGIYALAR BUIYICHA BIRINCHI SAMMITIDAGI NUTQI

Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳийм
Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу

Қозоғистон Республикаси Президенти муҳтарам Нурсултон Назарбоев Жаноби Олийлари!

Ислам ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби, муҳтарам доктор Юсуф бин Аҳмад ал-Усаймин Жаноби Олийлари!

Хурматли давлат ва ҳукумат раҳбарлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Ислам ҳамкорлик ташкилотининг ушбу нуфузли саммитининг мавзуси, яъни

"Фан, технологиялар, инновациялар ва ислом оламини модернизация қилиш" деган ғоя

буғун ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир. Таъкидлаш керакки, Ислам олами жаҳон фани ва цивилизациясига қўшган бекиёс ҳиссаси билан фахрланишга тўла ҳақлидир.

Хусусан, Марказий Осиё ҳудуди Шарқ Ренессансининг йирик марказларидаги бири сифатида бутун дунёда маълум ва машҳур бўлган.

Бу ҳақда гапирганда, аввало, улғу ватандошларимиз — алгоритм асосида Ал-Хоразмий, қомусий олим Ал-Фароний, геодезия ва минералогия фанлари ривожига улкан ҳисса қўшган Абу Райҳон Беруний, Фарбда Авиценна номи билан танилган Ибн Сино, давлат арбоби ва буюк астроном Мирзо Улғубек сингари мутафаккир зотларнинг номларини хурмат билан тилга оламиз.

Бугунги нотинч ва таҳликали замонда тараққийлаш ва ижтимоий барқарорликни таъминлашда буюк аждодларимиз қолдирган, бутун инсониятнинг маънавий бойлиги бўлган бебаҳо мероснинг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир.

Ана шундай эзгу мақсад билан ўтган йили Тошкентда ўтказилган ташкилотимизнинг Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессиясида Самарқандда Имом Бухорий номидаги Халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш ғоясини илгари сурган эдик ва ҳозирда бу борада мамлакатимизда кенг қўламини ишлар олиб борилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, ташкилотимизга аъзо давлатлар раҳбарларига, хусусан, Ислам тараққий банкнинг президенти Баңдар Хажар Жаноби Олийларига ташаббусимизни қўллаб-қувватлаганлари учун миннатдорлик билдираман.

Бугунги кунда Ўзбекистон китоб фондларида 100 мингдан зиёд қўлёзмалар сақланмоқда, уларнинг асосий қисми ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган.

Айни вақтда биз Ўзбекистон пойтахти Тошкентда Ислам цивилизацияси марказини ташкил этиш ишларини бошладик. Ва Ташкилотга аъзо мамлакатларни фаол ҳамкорликка чақираман.

Бу марказни "Жаҳолатга қарши — маърифат" шiori остида барпо этишни даврийн ўзи тақозо этмоқда.

Хурматли саммит иштирокчилари! Ўзбекистон Ислам ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши раислиги даврида "Таълим ва маърифат — тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл" ғоясини илгари сургани албатта бекиёс эмас.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 300 дан ортққ илмий-тадқиқот муассасаси, илмий-ишлаб чиқариш корхоналари ва инновация марказлари фаолият олиб бормоқда.

Кейинги пайтда мамлакатимизда

янги илмий-инновацион тузилмалар — Геномика ва биоинформатика маркази, Халқаро қуёш энергияси институти, Юқори технологиялар маркази, Ўзбекистон — Япония ёшлар инновация маркази ташкил этилди.

Биз Ислам ҳамкорлик ташкилотининг Фан ва технологиялар соҳасида ҳамкорлик бўйича Доимий қўмитаси фаолиятини юксак баҳолаётимиз ва унинг ишида янада фаол иштирок этишни режалаштирганмиз.

Ташкилотимизнинг мазкур йўналишда 2005 — 2015 йилларга мўлжалланган Ҳар Ҳар йиллик ҳаракатлар дастури натижалари белгиланган мақсадларга эришилганидан далолат беради.

Айни вақтда қўллаб муулмон мамлакатлари илм-фан ва технологиялар соҳасида ривожланган давлатлардан сезиларли даражада орқада қолаётганини тан олиш лозим.

Масалан, аъзо давлатларнинг фақатгина 11 та олий таълим муассасаси жаҳоннинг 500 та энг яхши университети рейтингидан ўрин олган, холос.

Ёки 2015 йилда дунё бўйича патент олиш бораидаги мурожаатларда бу мамлакатларнинг ҳиссаси атиги бирундан тўққиз фоизни ташкил этган.

Ташкилотга аъзо давлатларда 2016 йилда эълон қилинган илмий мақолаларнинг қарийб 80 фоизи 7 та давлат ҳиссасига тўғри келган.

Ақсарият муулмон мамлакатлари бой табиий захираларга, катта молиявий салоҳиятга эга бўлса-да, иқтисодий инновация соҳасида ва технологияларни жорий этишда фаоллик кўрсата олмаётганини афсус билан қайд этиш лозим.

Уйлайманки, фундаментал фан соҳаларини ривожлантириш, даврийн долзарб муаммоларига илмий ечимлар

топишга қаратилган ҳамкорликни йўлга қўйиш ислом оламининг илмий-технологик салоҳиятини ошириш учун мустаҳкам замин яратди.

Мирзо Улғубекнинг астрономия фани ривожига бебаҳо ҳиссасини эътиборга олиб, Самарқанд шаҳрида замонавий телескоп ўрнатиш тўғрисидаги таклифни биз миннатдорлик билан қабул қиламиз.

Биз Ислам ҳамкорлик ташкилотининг 2016 — 2025 йилларга мўлжалланган Ҳар Ҳар йиллик ҳаракатлар дастури ва унинг устувор йўналишларини тўла қўллаб-қувватлаётимиз ҳамда қўйдаги вазифарга алоҳида эътибор қаратиш керак, деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, глобал иқлим ўзгаришлари муаммоси. Ақсарият минтақаларда тупроқ емирилиб, унумдор ерлар қисқариб бормоқда, чўлланиш, сув тақчиллиги, курғоқчилик, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш жиддий муаммога айланмоқда.

Оролбўйидаги экологик фалокат туфайли бу таҳдидлар бизнинг минтақамиз учун янада катта хавф туғдирамқда. Биз "персоналлаштирилган кишлоқ хўжалиги" концепциясини ишлаб чиқишда ҳамкорлик қилишни таклиф этамиз.

Бу концепция кишлоқ хўжалиги экинларининг муайян муҳит, тупроқ, ўғит, сув ва биостимуляторларга нисбатан реакциясини инобатга олиб, уларнинг аниқ генотипларига эътибор қаратишни назарда тутди.

Иккинчидан, илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграциялашган ҳамкорликни йўлга қўйиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Шу муносабат билан Қозоғистон Президенти муҳтарам Нурсултон

Абишевич Назарбоевнинг барқарор ва инклюзив иқтисодий тараққийга эришиш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни кучайтиришга қаратилган муулмон давлатлари ўртасида инфратузилмалар бўйича интеграцияни ташкил этиш ҳақидаги ташаббусини қўллаб-қувватлаймиз.

Учинчидан, юқорида зикр этилган Доимий қўмитанинг аъзо давлатлар ҳудудида олти Юқори самарали компьютер марказини ташкил этиш тўғрисидаги тавсиясига мувофиқ, шундай марказлардан бирини Ўзбекистонда жойлаштиришга тайёр эканимизни билдираман.

Биз ёш олимларга билим ва тажриба алмашиш, биргаликда тадқиқотлар ўтказиш имконини берадиган Муулмон олами ёш олимлари халқаро марказини тузишни таклиф этамиз.

Тўртинчидан, Доимий қўмита ҳомийлигида Ўзбекистонда Ал-Хоразмий хотирасига бағишлаб, ёш математиклар ўртасида Халқаро олимпиадани ташкил этишни таклиф қиламиз.

Бешинчидан, муулмон дунёсида эришилган илм-фан ютуқларини муносиб тақдирлаш ҳамда уларни халқаро миқёсда оммалаштириш учун Ислам ҳамкорлик ташкилотининг махсус мукофотини таъсис этиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Олтинчидан, муқобил энергия манбаларини кенг миқёсда ўзлаштириш барчамиз учун гоят долзарб аҳамиятга эга. Шу боисдан бу йўналишдаги илмий тадқиқот ишлари ва тажриба-инновацион лойиҳаларни биргаликда, хусусан, инвестициялар киритиш ҳисобидан амалга оширишга тайёр эканимизни билдираман.

Еттинчидан, аъзо давлатларнинг барқарор иқтисодий ривожланиши,

аҳолининг муносиб ҳаёт даражасини таъминлаш мақсадида Фан ва технологиялар бўйича саммитни ҳар уч йилда бир марта ўтказишни ва ушбу таклиф қўллаб-қувватланган тақдирда, кейинги саммитни 2020 йилда Ўзбекистонда ўтказишга тайёр эканимизни билдирамқчиман.

Муҳтарам анжуман иштирокчилари! Бугунги саммит муулмон умматининг бирдамлигини мустаҳкамлаш, халқларимизнинг раванки ва фаровонлиги йўлидаги тарихий қадам, десак, айни ҳақиқат бўлади.

Ишончим комил, ушбу анжуман буюк аллома Мирзо Улғубек Бухоро шаҳрида бунёд этган мадраса пештоқига битилган "Илм эгаллаш ҳар бир муслим ва муслима учун фарздор", деган ҳадиси шарифни ҳаётимиз қондасига айлантиришга хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, Ислам ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби, доктор Юсуф бин Аҳмад ал-Усаймин Жаноби Олийларига, Ташкилотимизнинг Фан ва технологиялар соҳасида ҳамкорлик бўйича Доимий қўмитаси раиси, Покистон Ислам Республикаси Президенти Мамнун Хусайн Жаноби Олийларига муулмон оламидаги илмий ҳамкорликни кучайтириш бораидаги амалий саъй-ҳаракатлари учун ташаккур билдираман.

Қозоғистон Республикаси Президенти муҳтарам Нурсултон Абишевич Назарбоевни гузал Остона шаҳрида "ЭКСПО — 2017" халқаро кўргазмасининг муваффақиятли ўтгани билан самийи ташаккур билан ҳамда бугунги саммит юксак савияда ташкил этилгани учун чуқур миннатдорлик изҳор этаман.

Эътиборингиз учун ташаккур.

ЎЗБЕКИСТОН PREZIDENTI SHAVKAT MIRZIYEVNING HITOI HUKUMATI DELEGATSIYASINI QABUL QILDI

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 сентябрь куни Хитой Коммунистик партияси Марказий қўмитаси сиёсий-ҳуқуқий комиссияси котиби, Ўзбекистон — Хитой ҳукуматлараро ҳамкорлик қўмитаси ҳамраиси Мэн Цзяньчжу бошчилигида Қўшма қўмитанинг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Хитой Халқ Республикаси ҳукумати делегациясини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самийи кутлар экан, Ўзбекистон ва Хитой ўртасида ўзаро манфаатли, қўп қиррали ҳамкорлик изчил ривожланишига чукур мамнуният билан қайд этди.

Ўзбекистон Президентининг жорий йил май ойида Хитойга давлат ташрифи икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаргани, мамлакатларимизнинг ҳар томонлама стратегик шериклигини мустаҳкамлашга хизмат қилгани алоҳида таъкидланди.

Узаро савдо ҳамжи барқарор суръатларда ўсиб

бормоқда. Шу йилнинг январь — июль ойларида товар айирбошлаш ҳамжи 2,5 миллиард доллардан ошди.

Хитойнинг етакчи компаниялари ҳамда банк-молия институтлари билан ҳамкорликда энергетика, нефть-газ, кимё, машина-созлик, электротехника, енгил санаят тармоқлари, ишончли транспорт-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, туризм

ва бошқа муҳим йўналишларда устувор сармоявий дастур ҳамда лойиҳалар тайёрланмоқда ва амалга оширилмоқда.

Икки давлат ҳудудлари ҳамда бизнес ҳамжамиятлари ўртасидаги алоқалар фаол ривожланмоқда. Илмий-техникавий ва маданий-гуманитар ҳамкорлик кенгаймоқда.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўтган давр мобайнида соғлом ва ҳар томонлама ривожланган ўсиб келаётган авлоднинг шаклланишини таъминлашга қаратилган самарали мактабгача таълим тизимини ташкил қилиш бўйича комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. Шу билан бирга, маъжуд тизимли камчиликлар мактабгача таълим соҳасида давлат сиёсатини тўлиқ амалга оширишга тўқсунлик қилмоқда, хусусан:

биринчидан, мактабгача таълимни бошқаришнинг амалдаги ҳолати тизимли муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва баргараф этиш, мазкур соҳада, шу жумладан, нодавлат секторда замонавий инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш имконини бермапти;

(Давоми 2-бетда).

Очиқ осмон остидаги концерт

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрининг янги 88-ижодий мавсуми очилиши муносабати билан пойтахтимизда 1 Миллий симфоник "Open air" концерти бўлиб ўтди.

САНЪАТ



Оқил ҒУЛОМОВ (ЎЗА) олган сурат.

Унинг ўзига хослиги шундаки, барча классик куй-қўшиқлар театр сахнасида эмас, балки махсус барпо қилинган майдонда, турли ёритиш ускуналари, декорациялар, махсус лазер технологиялари, камалакранг тусдаги фаввора фониди ижро этилди. Очиқ осмон остида юртдошларимиз, хорижлик меҳмонлар, умуман, санъат шинавандалари учун энг дилрабо тароналар янгради. Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда маданият ва санъат соҳаси ривожига қаратилган юксак эътибор ҳақида сўз юритишди. Жумладан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан жорий йилнинг 3 август куни

республикаимиз ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашуви чоғида ижодий ташкилотларни янада қўллаб-қувватлаш мақсадида "дўстлари клуби" тузилиб, унга юртимизнинг етакчи компаниялари, банклари, корхоналари ҳомий сифатида бириктирилгани соҳа тараққийоти таъминлашга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри томонидан "TOP Congress" компанияси кўмагида уюштирилган концерт дастурда "Диором", "Тоҳир ва Зухра", "Гўзал Тошкентим" каби опералардан ариялар

ижро этилди. Штраус, Чайковский, Кальман, Гершвин сингари мутооз композиторлар томонидан яратилган мусикий асарлар кечага янада файз киритди. — Томошабинлар икки кун мобайнида санъатнинг энг гўзал намуналаридан баҳраманд бўлишди, — дейди театр дирижери Бобомурод Худойқуллов. — Операларимиздан ўрин олган дустура ва балет намойиши, шу билан бирга, Консуэла Веласкес Торреснинг "Besame Mucho", Андреа Бочеллининг "Love in Portofino" тароналари ҳамда шу каби бошқа кўшиқлар ҳам барчага манзур келганидан мамнунмиз.

О. ЛУТФУЛЛАЕВ.



Шу кунларда пойтахтимизда сув спорти турлари бўйича IX Осиё чемпиони бўлиб ўтмоқда.

Сузувчиларимиздан рекорд натижа

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Миллий олимпия қўмитаси, мамлакатимиз сузуи федерацияси ҳамда Осиё сузуи федерацияси томонидан ташкил этилган ушбу нуфузли мусобақада қўшма сузуининг 26 давлатидан мингта яқин спортчилар голиблик учун баҳс олиб борапти. Жумладан, Ватанимиз шарафини 130 дан ортқ спортчилар ҳимоя қилмоқда. Чемпионатда иштирокчилар Олимпия ўйинлари дастуридан жой олган сузуи, синхрон сузуи, сув полоси ва сувга сакраш бўйича ўз маҳоратини намойиш этапти. Қўвонarli-син, вакилларимиз мусобақанинг дастлабки кунидеяк 4 та олтин, 4 та кумуш ҳамда 3 та бронза медални қўлга киритишди. Мана шу натижа билан болглик алоҳида диққатга сазовор жиҳат борки, уни таъкидлаб ўтишни ўринли, деб билдик. Яъни мазкур қўшма биринчилиги 8 та тоифалари бўйича ўтказилаётган бўлиб, бундай чемпионатда хозиргача Ўзбекистон спортчилари саккиз мартаба катнашмишган. Аммо ҳеч бирида тўрт бор шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилишмаган. Демак, Тошкентдаги бахсларнинг илк кунидеяк сузувчиларимиз ўзига хос рекорд ўрнатдиши.

Шоҳсанам Тошпўлатова ҳамда 200 метрга чалқанча усулда сузуида Данил Букин иккинчи ўринни эгаллади. 200 метр масофага чалқанча усулда сузуида Егор Болотов ва Мафтунабону Тўхташинова бронза медал билан тақдирланди. Сувга сакраш беллашувларида Достон Ботиров ҳамда Ольга Морозова иккинчи погонани банд этди. Сув полоси бўйича ўсмирлар ўртасидаги бахсларда Ўзбекистон, Япония, Хитой, Қозоғистон ва Саудия Арабистони терма жамоалари голиблик учун кураш олиб бораётган бўлса, қизлар ўртасида Япония, Хитой, Ўзбекистон ҳамда Қозоғистон вакиллари куч синачиқда. Ушбу мусобақалар 15 сентябрга қадар давом этади.

Осиё чемпионатининг иккинчи кунини ҳам терма жамоамиз учун сермахсул кечди — ҳамюртларимиз яна 3 та олтин, битта кумуш ва 2 та бронза медалга эга чиқиди. Хусусан, 200 метрга эркин усулда сузуида Хуршид Турсунов 1:50,77 натижа билан муваффақият қозонган бўлса, Владислав Мустафин 100 метрга брасс усулида сузуида рақибларидан устун келди. Артём Козлюк 50 метрга баттерфляй усулида сузуида маррага биринчи бўлиб етиб келиб, олтин медал соҳибига айланди. 100 метр масофага брасс усулида сузуи бўйича Фотима Амилова кумуш, 200 метрга эркин усулда сузуида Алексей Тарасенко ҳамда Мафтунабону Тўхташинова бронза медалга сазовор бўлди.

Сувга 10 метрлик трамплиндан сакраш бўйича ўтказилган бахсларда қизларимиздан Юлия Мустаева ва Ольга Морозова, шунингдек, ўсмирлар ўртасидаги жуфтлик беллашувида Ботир Ҳасанов ҳамда Марсель Зайнуллоев иккинчи ўринни эгаллади. Яқкаликда Юлия Мустаева бронза медални қўлга киритди.

Ўсмирлар ўртасида 50 метрга чалқанча усулда сузуида Одибек Юсуфбоев, шунингдек, худди шу масофага брасс усулида сузуида Алёна Васильева кумуш медалга соҳибдори бўлди. Бундан ташқари, 100 метрга брасс усулида сузуида

Терма жамоамиз хисобига олтин медалларни 50 метр масофага брасс усулида сузуида Владислав Мустафин ва Фотима Амилова, 100 метрга баттерфляй усулида сузуида Артём Козлюк ҳамда 4х100 метрга сузуи бўйича эстафетада Данил Тулупов, Алексей Тарасенко, Артём Козлюк ва Хуршид Турсунов келтирди.

Усмирлар ўртасида 50 метрга чалқанча усулда сузуида Одибек Юсуфбоев, шунингдек, худди шу масофага брасс усулида сузуида Алёна Васильева кумуш медалга соҳибдори бўлди. Бундан ташқари, 100 метрга брасс усулида сузуида

Терма жамоамиз хисобига олтин медалларни 50 метр масофага брасс усулида сузуида Владислав Мустафин ва Фотима Амилова, 100 метрга баттерфляй усулида сузуида Артём Козлюк ҳамда 4х100 метрга сузуи бўйича эстафетада Данил Тулупов, Алексей Тарасенко, Артём Козлюк ва Хуршид Турсунов келтирди.

Темур ЭШБОЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ТАРИХИМИЗГА МОС ЗАМОНАВИЙ ИНФРАТУЗИЛМА

сайёҳлик имкониятларидан самарали фойдаланишнинг етакчи омилдир

Президентимиз Навоий вилоятига ташрифи чоғида худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига тўхталаркан, унинг сайёҳлик салоҳиятидан самарали фойдаланиш, мазкур тармоқ инфратузилмасини халқаро андозаларга мослаштириш борасида бир қатор кўрсатмалар берган эди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки Навоий вилояти ҳам бетақрор осориётлик ва тарихий обидаларга бой худудлардан ҳисобланади.

ИНТИЛИШ

Масалан, биргина Сармишсой дарасини олайлик. Ушбу манзил қоштўшларидаги суратлар, яъни петроглифлар минг-минг йиллик тарихга эга бўлиб, бундай қолдиқлар Ер юзининг санокли манзилларидагина сақланиб қолган. Унга яқин жойлашган Учтўт чакмоқтош шахталари эса сайёрамизда қончилиқнинг ибтидоси ҳисобланиши билан янада жозибали.

Шунингдек, XI асрда бунёд этилган Работи Малик, Сардоба, Деҳқароний зияратгоҳи, Мир Саид Баҳром макбараси, XVI аср тарихий обидаси — Қосим Шайх мажмуаси, Нурота чашмасидаги ноёб мезморий обидалар, Мингбулоқдаги тош ўрмон, Зарафшон шаҳри ва Сентоб қишлоғи яқинидан топилган петроглифлар сайёҳларда ҳамма катта қизиқиш уйғотган. Бундан ташқари, тўрт фаслни ўзиди жаллаган сўлим масканлар, беповён Қизилқум кенгликлари экология сайёҳлигини йўлга қўйишнинг бетақрор манбаларидир. Мамлакатимиз бундай бебаҳо тарихий бойликлари билан инсоният таъмаддуну бешиклари билан бири экан-

лигини дунё ўлкашунос тарихчилари ҳам қайд этишмоқда. Сўнгги йилларда соҳага қаратилаётган эътибор туфайли вилоятда бир қатор муҳим тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, худуддаги меҳмонхоналар сони 27 тага, уларнинг қабул қувватлари 1360 ўринга етказилиб, хизмат кўрсатиш сифати ошганига натижа эришилди. Чунки, 2015 йилда вилоятга 7150 нафар сайёҳ ташриф буюрган бўлса, ўтган йили уларнинг сони 11,5 фоиз ортди. Жорий йилнинг етти ойида эса туристлар оқими 2016 йилнинг шу давридагига нисбатан уч баравар ошди. Бу халқаро андозаларга мос хизмат кўрсатиш сифати яхшиланаётганидан далолат беради.

— Вилоятимизда хусусий секторнинг меҳмонхона хизматига қизиқиши тобора ортиб бормоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг Навоий вилоятидаги ваколатли вакили Фарҳод Эрназаров. — Натижада тадбиркорлик субъектлари томонидан

Кармана туманида 25 ўринли "Hostel Karmana", 15 ўринли "Само юлдузи" ҳамда Қонимех туманининг Айдарқўл табиий сув ҳавзаси бўйида "Golden Safari" МЧЖ томонидан 60 ўринли ўтов лагери қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шу билан бирга, мазкур худуддаги яна битта 80 ўринли ўтов лагери қайта таъмирланиб, 120 ўринлига айлантирилди.

Сентоб қишлоғидаги барча қулайликка эга "Сентобстон", "Сентоб Шаҳи Мустафо", "Сентоб Таги Жар" меҳмонхоналари ҳам сайёҳларга маъқул бўлаётди. Буни улар бу масканларга кўпроқ ташриф буюраётганидан билиш мумкин.

Давлатимиз раҳбари кўрсатмалари асосида Навбахор туманидаги Сармишсой дарасида хорижий сайёҳлар учун 200 ўринли 45 та замонавий коттеж қўриқилиши жадваллик билан олиб борилаётган. Ўтган давр мобайнида улардан 15 таси фойдаланишга топширилган бўлса, қолган коттежларда ҳам келгуси йил бошигача бунёдкорлик ишларини якунлаш режалаштирилган. Шу кунларда "Камилла" меҳмонхонасининг 5 қаватли 3-блоки, Зарафшон шаҳрида эса 70 ўринга мўлжалланган меҳмонхона қурилиши ниятисига етказилмоқда.

Вилоятда экотуризм учун жозибадор бўлган Қонимех ва Нурота туманлари худудидаги Айдарқўл сув ҳавзаси атрофида мавсумий сайёҳлик базалари фаолияти йўлга қўйилди. Мазкур масканларда сайр

қилиш ҳамда балиқ овлаш учун барча шарт-шароит яратилган. Нурота туманида "Руслан эко сервис" хусусий корхонаси ташкил этилиб, унда миллий услубдаги меҳмон уйи ўз фаолиятини бошлади.

Вилоятда бир қатор зиярат сайёҳлиги масканлари мавжуд бўлиб, уларга олиб борувчи йўللар ва ёдгорликлар атрофи ободонлаштирилди. Уч тилда йўл белгилари ўрнатилди.

— Бу ерга учинчи марта келишим, — дейди япониялик сайёҳ Ми Цу Ока. — Қизилқум ҳамда Сармишсой дарасида кўрганларим бир олам. Хар сафар янги-янги таассуротлар билан юртимга қайтман. Албатта, бу ҳақда ўз яқинларимга хикоя қилиб бераман, уларни ҳам Сармишсой гўзалликлари билан баҳра олишга чорлайман. Айтмоқчиманки, бу ерлик аҳолининг меҳмондўстлиги, хизмат кўрсатиш сифати менга ниҳоятда манзур бўлди.

Сайёҳлик индустриясини ривожлантириш, уни сердаромад соҳага айлантириш, тармоқда янги иш ўринлари яратиш орқали меҳнат бозоридаги мувозанатни барқарорлаштириш давр талабидир. Зеро, туризм нафақат иш ўринлари ташкил этиш ва даромад олиш манбаи, балки мамлакатимиз тарихи, аждодларимиз даҳосини хажонга бор гўзаллиги билан танитувчи муҳим омил ҳамдир.

Темур ЭШБОЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Давлат, хусусий ва мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

«Мерседес-Бенц» русумли енгил автотранспорт воситаларининг E350, E280 туркумлари учун Европада ишлаб чиқарилган куйидаги автомобиль шиналарини етказиб бериш бўйича танлов эълон қилади:

— 245/45R17 — 32 та; 205/60R16 — 16 та.

Етказиб бериш шартлари:

— етказиб беришнинг омборидан олиб кетиш.

Тўлов шартлари: 15 фоизи — олдиндан тўлов, қолган 85 фоизи — етказиб берилганидан сўнг.

Талабдорлар тижорат тақлифлари билан бирга, юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (гувоҳнома, лицензия), шунингдек, тақлиф этилаётган маҳсулотларнинг мувофиқлик сертификатларини тақдим қиладилар.

Аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб 15 кун давомида куйидаги манзилда қабул қилинади: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй. Телефонлар: (0-371) 256-39-03, 255-75-12. Факс: (0-371) 281-46-70. E-mail: umts@mvd.uz

Давлат, хусусий ва мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

куйидагиларни етказиб бериш бўйича танлов эълон қилади:

Енгил автотранспорт воситалари учун автомобиль пневматик шиналари:

155/70R12 — 200 та, 155R12C — 1000 та, 165/65R13 — 452 та, 175/70R13 — 1500 та, 185/70R14 — 1100 та, 185/75R16C — 56 та, 195/65R15 — 260 та.

Ҳар қандай йўларда ҳаракатлана оладиган автомобиллар учун автомобиль пневматик шиналари:

215/90R15 (8.40x15) — 252 та, 225/75R16C — 400 та.

Юк ташувчи автотранспорт воситалари учун пневматик шиналар:

8.25R20 (240x508) — 84 та, 9.00R20 (260x508) — 210 та, 12.00R20 (320x508) — 80 та, 7.5R16C — 600 та, 8.5R17.5 — 258 та, 12.00R18 — 48 та, шатакчи орқа гилдираги учун 315/80R22.5 — 4 та.

Етказиб бериш шартлари:

— етказиб беришнинг омборидан олиб кетиш.

Тўлов шартлари: 15 фоизи — олдиндан тўлов, қолган 85 фоизи — етказиб берилганидан сўнг.

Шиналар 2016/2017 йилларда ишлаб чиқарилган бўлиши лозим. Талабдорлар тижорат тақлифлари билан бирга, юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (гувоҳнома, лицензия), шунингдек, тақлиф этилаётган маҳсулотларнинг мувофиқлик сертификатларини тақдим қиладилар.

Аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб 15 кун давомида куйидаги манзилда қабул қилинади: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй. Телефонлар: (0-371) 256-39-03, 255-75-12. Факс: (0-371) 281-46-70. E-mail: umts@mvd.uz

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги

ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

2018 йил учун олий ўқув юртидан кейинги таълим институтига (докторантура)

07.00.04 — Диншунослик

07.00.05 — Ислам тарихи ва манбашунослиги

Ихтисосликлари бўйича докторант (DSc) ва таянч докторантликка (PhD) танлов асосида қабул эълон қилади.

Докторантурада ўқишга талабдорлар куйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

- ариза (ректор номига);
- маълумотнома;
- меҳнат дафтрасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нухсаси;
- олий таълим муассасаси магистратураси дипломи;
- илмий журналлар ва нашрларда эълон қилинган илмий мақолалар (битта), илмий-амалий конференциялар тўпламларига ва фан доктори даражасини олиш учун диссертация тадқиқотининг асосини ташкил этиши мумкин бўлган тегишли илмий йўналишлар бўйича бошқа илмий ишлар тўпламларига киритилган тезислар (камида иккита) рўйхати, шунингдек, уларнинг нухсалари.

Ҳужжатлар 2017 йил 15 сентябрдан 15 октябргача қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Абдулла Қодирий кўчаси, 11-уй.

Мурожаат учун телефон: (0-371) 244-00-56. Факс: (0-371) 244-00-65.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 945. 79 476 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетанинг ҳаққиди маълумотларни оқиб олиш учун 01-ҳодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;

Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2020-8788

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 21.40 Топширилди — 23.20 1 3 4 5 6

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров. Навбатчи — Д. Солиқов. Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.